



БАХШИЧИЛИК САНЪАТИ НАМОЯНДАЛАРИ ВА МУХЛИСЛАРИГА

Муҳтарам юртдошлар!

**Қадри бахшичилик санъати
намояндалари ва мухлислари!**

Барчангизни халқаро миқёсдаги катта хушхабар — шу йил 16 декабрь кунни ЮНЕСКОнинг Номоддий маданий меросни асраш ҳукуматлараро қўмитаси томонидан Бахшичилик санъати Инсониятнинг номоддий маданий мероси репрезентатив рўяхатига киритилгани муносабати билан самимий муборакбод этаман.

Ушбу муҳим ва қувончли янгилик маданият арбоблари, устоз бахшилар ва иқтидорли ёшларимиз, фольклор санъатининг барча ихлосмандлари, кўп миллатли халқимиз учун албатта гурур ва ифтихор бахш этади.

Бу юксак эътироф дунё ҳамжамиятининг Ўзбекистоннинг қадимий тарихи ва бой маданиятига, ранг-баранг иходий мактаблар ва изчил ривожланиш силсиласига эга бўлган ноёб бахшичилик санъатига улкан ҳурмат-эътиборининг ёрқин ифодасидир.

Дарҳақиқат, халқ оғзаки иходининг ушбу гўзал ва бетақдор намунаси мамлакатимизда минг йиллар давомида ривожланиб, баланд чўққиларга кўтарилди. Бахшичилик санъати юртимиздаги турли миллат ва элатлар ўртасида ўзаро ҳурмат, бир-бирини тушуниш ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш йўлида беминнат хизмат қилиб келди ва бугунги кунда ҳам бу шарофли вазифани тўла адо этмоқда. Ёшларни она юрта, миллий-маданий қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш, уларни адолат ва инсонийликка қорлаш, баркамол авлод бўлиб вояга етишида эзгулик элчилари бўлган бахши, оқин ва жировларнинг ўрни ва таъсири беқийсдир.

Бахшичилик санъати ихрождан бир вақтнинг ўзида ҳам моҳир шоир, ҳам истеъдодли

хонанда, ҳам уста созанда ва актёрлик маҳоратига эга бўлишни талаб этишини, бунинг учун нафақат тугма қобилият, айни вақтда юксак иходий салоҳият, тинимсиз изланиш зарурлигини яхши биламиз.

Ўзбекистон замини Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил бахши, Исом шоир, Пўлкан шоир, Бола бахши Абдуллаев, Шоберди Болтаев, Боборайим Маматмуродов, Абдуназар Поёнов, Қора бахши Умиров, Шомурод Тоғаев, Қодир бахши Раҳимов, Зиёдулла Исломов, Норбек бахши Абдуллаев, Қаландар бахши Норметов, Абдуқаҳҳор ва Абдумурод Раҳимовлар каби унлаб бетақдор истеъдод соҳибларини етиштирди ва бу анъана изчил давом этмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда самарали фаолият олиб бораётган 250 нафардан ортиқ соҳа вакиллари орасида 25 нафарга яқини “Ўзбекистон халқ бахшиси” ва “Қорақалпоғистон халқ бахшиси” унвонлари, 1 нафари “Дўстлик” ордени, 11 нафари “Шўхрат” медали, 7 нафари “Нихол” мукофоти, 2 нафари “Келажак бунёдкори” медали билан тақдирланганини қайд этиш лозим.

Мамлакатимизда ушбу қадимий санъат турини асраб-авайлаш, ривожлантириш ва оммалаштириш мақсадида сўнгги пайтда қабул қилинган Президент фармонлари ва Ҳукумат қарорлари соҳа ривожига янги ҳаёт бағишлаганини таъкидлаш ўринлидир. Жумладан, юртимизда ЮНЕСКО шафелмида ҳар икки йилда Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш яхши анъана тусига кирди. 2019 йил апрель ойида Термиз шаҳрида ўтказилган биринчи ва жорий йил сентябрь ойида Нукус шаҳрида ташкил этилган иккинчи фестиваль минтақа ва халқаро ҳамжамият маданий доираларида катта қизиқиш уйғотди.

Бугунги кунда мамлакатимизда бахши-шоир ва оқинлар ўртасида халқаро кўриктанловлар мунтазам ўтказиб келинмоқда, таълим муассасаларида бахшичилик санъати сирларини ўқитиш, келажак авлодларга етказиш борасида ҳам катта ишлар қилинмоқда. Энг муҳими, бундай кенг кўламли чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Жумладан, ҳозирги вақтда республика бўйича бахшилар синфи 115 тага етиб, уларда таълим олаётган ўқувчиларнинг умумий сони 1500 дан, ўқитувчилар сони эса 245 нафардан ортиқни ташкил этаётгани бу йўналишдаги ишларимиз кўлаמידан далолат беради.

Ҳурматли ватандошлар!

Бахшичилик санъатини ривожлантириш йўлида эришган натижаларимиз ва уларнинг халқаро эътирофи бизни руҳлантириб, улкан марраларга қорлайди. Биз бу ноёб маданий меросни асраш, ривожлантириш ва оммалаштириш, жумладан, бахшиларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун янги имкониятларни сафарбар этамиз. Бу борада энди бизга ЮНЕСКО бошчилигида халқаро ҳамжамият ҳам мададкор бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб, яна бир бор барчангизни, бутун халқимизни ушбу тарихий воқеа муносабати билан чин дилдан кутлайман.

Юртимизда бахшичилик санъати янада раванг топсин, бахши, оқин ва жировларимизга эса жонажон Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этишда янги ютуқ ва муваффақиятлар ёр бўлсин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ СЕУЛГА КЕЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев**

**16 декабрь куни давлат таширифи билан
Корея Республикасига келди.**

Сеул шаҳридаги аэропортда давлатимиз раҳбарини тантанали кутиб олиш маросими бўлди. Олий

мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди, артиллериядан тўплар отилди.

Самолёт олдида Ўзбекистон етакчисини Корея Республикаси Бош вазири ўринбосари Хонг Нам Ки ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Таширифининг асосий тадбирлари — икки томонлама учрашув ва музокаралар бугун, 17 декабрь куни бўлиб ўтади.

ЎЗА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ**

**ТОМОРҚАДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ, ШУНИНГДЕК, АҲОЛИНИНГ
ТАДБИРКОРЛИК ТАШАББУСЛАРИНИ
МОЛИЯВИЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА
ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

Томорқа хўжаликларидида маҳсулот етиштиришни кўпайтириш орқали аҳоли даромадини ошириш, ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, томорқада етиштирилган маҳсулотларни кафолатли харид қилиш тизимини яратиш, шунингдек, ҳар бир туманда томорқа ер эгалари ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида кооперация алоқаларини ривожлантириш мақсадида:

1. Томорқада маҳсулот етиштиришни қўллаб-қувватлаш мақсадида Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан **100 миллион АҚШ доллари эквиваленти миқдоридаги қарз маблағлари** қуйидаги босқичларда Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига (кейинги ўринларда — Жамғарма) миллий валютада 4 йиллик имтиёзли

давр билан 9 йил муддатга йиллик 2 фоиз ставкада йўналтирилсин:
1-босқичда — **50 миллион АҚШ доллари эквиваленти миқдоридаги маблағлар 2022 йил 1 январга қадар;**
2-босқичда — **50 миллион АҚШ доллари эквиваленти миқдоридаги маблағлар 1-босқич маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги натижаларига кўра 2022 йил 1 июнга қадар.**

Давоми 2-бетда

ЮНЕСКОНИНГ ЮКСАК ЭЪТИРОФИ

**Бахшичилик санъатимиз Инсониятнинг номоддий
маданий мероси репрезентатив рўяхатига киритилди**



6-бетга қаранг.

МУНОСАБАТ

МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК СОҲАСИГА КАТТА МОЛИЯВИЙ ИМКОНИАТЛАР БЕРИЛМОҚДА

Мамлакатимиз кишлоқ хўжалиги тармоғининг мева-сабзавотчилик йўналиши катта салоҳиятга эга. Йўналиш, мева-сабзавотчилик кластерларини ташкил этишга соҳа ривожидидаги асосий йўналишлардан бири сифатида қаралмоқда.



Бугунга қадар кишлоқ хўжалигининг турли йўналишларида ечимини кутаётган қатор масалалар

Президент қарорлари асосида ўз ечимини топиб келмоқда. Мева-сабзавотчилик йўналишида

кутилган муҳим қарор ҳам жорий йилнинг 15 декабрь куни эълон қилинди. Давлатимиз раҳбарининг “Мева-сабзавотчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тармоқда кластер ва кооперация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан соҳада маҳсулот ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, хизмат кўрсатиш, сотиш жараёнларини ўзаро интеграция қилиш, кластерлар ҳамда кооперациялар фаолиятини ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва экспорт ҳажминини ошириш мақсад қилинган.

Давоми 2-бетда

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН — ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

ИҚТИСОДИЁТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ — ИСЛОҲОТЛАРНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Шерзод КУДБИЕВнинг
“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари бош муҳарририга интервьюси**



2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи — ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР Йўналишлари бўйича амалга оширилган ишлар.

— Шерзод Давлатович, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада солиқ маъмуриятчилигининг ўрни аҳамиятли бўлиб, уни янги босқичга чиқаришда қандай натижаларга эришилди, деб ўйлайсиз?

— Бугунги кунда дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари, жумладан, сўнгги ўн йилликда эътироф этилаётган Хитой,

Индонезия, Жанубий Корея ва бошқаларнинг миллий тараққиёт стратегиялари дунё ҳамжамиятига яхши маълум ва самарадорлик жиҳатлари кенг ўрганиб келинади.

Ўзбекистонда ҳам Президентимиз томонидан илгари сурилган, халқимиз билан бамаслаҳат қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси “Буюк ўзбек йўли”ни белгилаб берган амалий ҳужжат сифатида миллат тараққиётининг истиқболига шахдам қадам қўйишимизга замин яратди.

Буни нуфузли халқаро молия институтлари, қатор ислохотларнинг бошида турган Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси каби ташкилотлар ҳам эътироф этмоқда. Жумладан, Жаҳон банки вице-президенти Сирил Мюллернинг: “Бу жуда кучли, муайян равишда тарихий ҳужжат. У Ўзбекистонда янги

давр бошланганини ифодалайди ва унда мамлакат тараққиётида янги динамикани белгилловчи янгича дунёқараш ва янгиланган ёндашувлар баён этилган”, деган ҳаққоний баҳоси ёдга келади.

Ҳақиқатан, бугун юртимиз демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланиб бормоқда. Айнан мана шу жараён ислохотларимизнинг энг катта натижаси ҳисобланади. Мақсаднинг аниқлиги ҳаракатлар самарасини таъминлайдиган энг муҳим мезон бўлиб хизмат қилляпти.

Ҳаракатлар стратегиясининг иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш йўналишида амалга оширилган ишларга назар ташлайдиган бўлсак, иқтисодий барқарорлиқнинг пойдевори мустаҳкам бўлиши учун адолатли, шаффоф ва узоққа мўлжалланган янги солиқ маъмуриятчилиги юзага келди. Биринчи навбатда, солиқлар тури 16 тадан 9 тага, назорат шакллари 13 тадан 2 тага қисқартирилди.

Давоми 4-5-бетларда



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ТОМОРҚАДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ, ШУНИНГДЕК, АҲОЛИНИНГ ТАДБИРКОРЛИК ТАШАББУСЛАРИНИ МОЛИЯВИЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида

Бошланиши 1-бетда

2. Мазкур қарорнинг 1-бандида белгиланган маблағлар тижорат банкларига ресурс сифатида йўналтирилган ҳолда, томорқачилик лойиҳаларини кредитлаш учун оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларида белгиланган шартлар асосида:

а) **томорқа ер эгаларига:** қоида тарикасида, **100 бош парранда, 5-10 бош курка, 20 бош қуён, 5-6 бош қўй ва эчки, 5 та асалари уяси, интенсив усулда балиқ боқишни йўлга қўйиш**, шунингдек, ихчам иссиқхоналар, "дала дўконлари" қуриш, артезиан қудуқларини казиш;

б) **кичик интенсив боғдорчилик, лимончилик ва узумчилик;**

в) **полиз, дуккакли, мойли экинлар, картошка етиштириш ва сабзавотчилик** учун кредит ажратилади;

б) тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) **ҳокими ёрдамчисининг** (кейинги ўринларда — ҳоким ёрдамчиси) тавсиясига кўра "Томорқа хизмати" МЧЖларга **уруғлик ва кўчат, мотокультиватор ва минитрактор, инкубатор** харид қилиш ҳамда айланма маблағ учун **300 миллион** сўмгача гаровсиз кредит ажратилади.

Бунда, "Томорқа хизмати" МЧЖларга бериладиган кредитлар бўйича Жамғарма маблағлари гаров таъминоти сифатида қабул қилинади;

в) етакчи тадбиркорлик субъектларига аҳоли томорқаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кооперация асосида етиштириш ва етиштирилган маҳсулотларни харид қилиш учун айланма маблағларни тўлдирishга кредитлар ажратилади.

3. Белгилансинки, Жамғарма томонидан **2026 йил 1 январга қадар:**

томорқада етиштирилган маҳсулотларни кафолатли харид қилиш мақсадида томорқа ер эгалари билан кооперация асосида иш ташкил этган тадбиркорлик субъектларига **омборхоналарни жихозлаш, шунингдек, қуришти, саралаш ва қадоклаш ускуналари харид қилиш харажатларининг 30 фоизи** миқдоридан, бироқ **150 миллион** сўмдан ортиқ бўлмаган ҳажмда субсидия берилади;

с) **сув таъминоти оғир томорқа ерлари ва фойдаланишдан чиққан майдонларни** сугориш учун вертикал сугориш қудуқларини бурғилаш, дарёлар, каналлар ва бошқа сув объектларидан сув чиқариш воситаларини сотиб олиш

ва ўрнатиш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби амал қилади.

Бунда:

мазкур бандда белгиланаётган чора-тадбирлар учун 2022 йилда Жамғарма-га Давлат бюджетидан **50 миллиард** сўм ажратилади;

с) сув таъминоти оғир томорқа ерлари ва фойдаланишдан чиққан майдонларни сугориш учун вертикал сугориш қудуқларини бурғилаш, дарёлар, каналлар ва бошқа сув объектларидан сув чиқариш воситаларини сотиб олиш ва ўрнатиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун **2026 йил 1 январга қадар** ҳар йили Давлат бюджетидан Жамғармага маблағ йўналтирилади;

омборхоналарни жихозлаш, сотиб олинаётган қуришти, саралаш ва қадоклаш ускуналари юзасидан Иқтисодий тарақиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги "Лойиҳаларни ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази" ДУК томонидан хулоса берилади.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда томорқа ер эгалари билан кооперация асосида иш ташкил этган тадбиркорлик субъектларига омборхоналарни жихозлаш, шунингдек, қуришти, саралаш ва қадоклаш ускуналарини **харид қилиш харажатларининг бир қисмига** субсидия ажратиш тартибини тасдиқласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ҳокимларига **ҳоким ёрдамчилари** билан биргаликда қуйидаги янги вазифалар юклатилсин:

а) томорқа хўжаликлари билан агросаноат кластерлари, тайёрлов, қайта ишлаш ва экспортёр корхоналарни жалб этган ҳолда **кооперация алоқаларини ташкил этишга** кўмаклашиш;

б) аҳоли хонадонларида, қоида тарикасида, **100 бош парранда, 5-10 бош курка, 20 бош қуён, 5-6 бош қўй ва эчки, 5 та асалари уяси** боқишни ташкил этиш;

в) маҳсулот етказиб берувчи ва хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар рўйхатини шакллантирган ҳолда, жойларда **"тарқатиш ва маҳсулотларни йиғиб олиш бўйича мобил хизматлар"** фаолиятини йўлга қўйиш;

г) **"хонадонбай"** ишлаш асосида ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароити ва ҳудуд аҳолисининг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, томорқа хўжаликларини **"Бир маҳалла — бир маҳсулот"** тамойили асосида маҳсулот етиштиришга ихтисослаштириш;

ҳар бир маҳаллада кооперация асосида парранда, қуёнчилик,

қўй-эчкичилик, асаларичилик ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланиш истагини билдирган етакчи тадбиркорларни аниқлаш.

5. Қуйидагилар:

2022 йилда фаолияти кластер усулида ташкил этиладиган "Томорқа хизмати" МЧЖлар рўйхати **1-иловага** мувофиқ;

2022 йилда сув таъминоти оғир ҳудудлардаги аҳоли томорқаларини сугориш учун вертикал сугориш қудуқларини ишга тушириш прогноз кўрсаткичлари **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

6. Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари ҳузуридаги Фермер хўжаликларидан бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини йўриш марказларининг мавжуд штатлари доирасида **аҳоли хонадонларида томорқададан самарали фойдаланиш бўйича биттадан агроном штати ташкил этилсин**.

7. "Агробанк" АТБ шахсий томорқалардан самарали фойдаланишнинг тартиб қилиш мақсадида **2022 йил 1 апрелга** қадар жимсоний шахслар учун мўлжалланган, аҳоли томорқаларида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини маркетинг усулида сотишни йўлга қўйиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича **онлайн маслаҳатлар кўрсатувчи махсус платформани** ишга туширсин.

Бунда, "Агробанк" АТБнинг платформаси уланшиш ва хизматлардан фойдаланишни **бепул қилиб** белгилаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

8. Белгилансинки, ҳар бир туманда Ветеринария ва chorvachilikни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор идораларнинг масъул ходимларидан иборат (иш ҳақи сақланган ҳолда) **хонадонларда паррандачиликни йўлга қўйиш бўйича** юридик шахс мақомига эга бўлмаган **доимий лойиҳа офиси** ташкил этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Б.Хусанов), Ветеринария ва chorvachilikни ривожлантириш давлат қўмитаси (Б.Т.Норқобилов), "Паррандасаноат" уюшмаси (Б.И.Исаев), манфаатдор идоралар билан биргаликда:

бир ой муддатда хонадонларда паррандачиликни йўлга қўйиш бўйича лойиҳа офисларини ташкил этиш чораларини кўрсин;

икки ой муддатда ҳудуд эҳтиёжидан келиб чиқиб, хонаки паррандалар насличилиги корхоналарини ташкил этсин;

2022 йилда жойлардаги эҳтиёжни ўрганиб ва ҳудудларнинг иқлим шароитидан келиб чиқиб, Хитой, Россия ва бошқа мамлакатлардан хонаки парранда тухумларини олиб келиш ҳамда аҳолига тарқатиш чораларини кўрсин.

9. Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Д.Қудбиев), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Б.Хусанов) ҳоким ёрдамчилари билан биргаликда мазкур қарор доирасида ажратилган кредит ресурслари ҳисобига доимий ва барқарор даромад манбаига эга бўлган фуқароларга қонунчиликда белгиланган тартибда ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтишлариға кўмаклашсин.

10. Ҳоким ёрдамчиларига туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, томорқа ер эгалари, "Томорқа хизмати" МЧЖ ва бошқа тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорликни йўлга қўйган ҳолда қуйидаги вазифалар юклансин:

а) уйма-уй юриш орқали томорқа ер эгаларининг ер участкаларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини, шу жумладан, ерни тайёрлаш, уруғ, кўчат ва дарахтлар экиш, иссиқхоналар қуриш, чорва ва паррандаларни қўлпайтириш ҳолатини, ушбу қарор доирасида томорқа ер эгалари, "Томорқа хизмати" МЧЖ ва бошқа тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитларини кўрсатиш ва озуқасини, шунингдек, мазкур шахслар ўртасидаги шартнома муносабатларига риоя этилишини даврий мониторинг қилиб бориш;

б) томорқа ерларидан самарали фойдаланиш, аҳоли томорқаларини хизматлар билан қамраб олиш даражасини ошириш, шунингдек, маҳсулотларни экспорт қилиш имкониятларини янада қўлпайтириш.

11. Қуйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М.Ғаниев, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси А.А.Хаитов, қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А.Ходжаев:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари билан биргаликда томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланилишни бўйича ишларни манзилли ташкил этсин;

бир ой муддатда томорқа ер эгалари ва кооперацияларни маҳсулот ишлаб чиқаришнинг янги технологияларига ўргатиш, кооперация аъзоларининг ерларида агротехник тадбирлар мониторингини ўтказиш, ишлаб

чиқариладиган маҳсулотларнинг ташқи бозорларда маркетинг тадқиқотларини ўтказиш бўйича қисқа муддатли амалий ўқув машғулотларини ташкил этиш бўйича режа ишлаб чиқсин;

бир ой муддатда томорқа ерларида кичик интенсив боғдорчилик, лимончилик ва узумчилик, полиз, дуккакли, мойли экинлар, картошка ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича **намунавий технологик хари-таларни**, парранда, қуён, қўй ва эчки, асалари уялари, интенсив усулда балиқ боқиш, шунингдек, ихчам иссиқхоналар ташкил этиш бўйича технологик **тавсияларни** ишлаб чиқсин ва ушбу йўналишларда интернет тармоғи орқали **онлайн маслаҳат** бериб борилишини йўлга қўйсин. Тижорат банклари кредитни расмийлаштириш жараёнида қарз олувчиларнинг ҳақиқий эҳтиёжини аниқлаш ва кредитни қайтариш муддатларини белгилашда технологик харита ва тавсияларни инобатга олсин;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Ветеринария ва chorvachilikни ривожлантириш давлат қўмитаси (Б.Т.Норқобилов), "Ўзбекчорванаси" агентлиги (Б.Т.Атамуратов), "Паррандасаноат" уюшмаси (Б.И.Исаев) билан биргаликда **бир ой муддатда** ҳар бир туманда ветеринария хизматларини кўрсатиш ва озуқасини тарқатиш, аҳолини ўқитиш марказларини ташкил этсин;

в) Бош прокуратура (Ш.Ж.Рахимов), Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А.Э.Бурханов), Ҳисоб палатаси (Б.Т.Турабов) мазкур қарор доирасида ажратилаётган маблағларнинг очиклиги ва ошкоралик тамойили асосида мақсадли ажратилишни ва сарфлангани устидан доимий назорат ўрнатсин ҳамда ҳар ярим йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот қиритиб босин.

12. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда "Ўзбекистон 24" ва "Маҳалла"

телеканалларида **томорқа хўжалик-ларида очик ва ёпиқ усулда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш** борасида аҳолининг билим ва қўниқ-маларини оширишга қаратилган телекўрсатувлар намойиш этилишини тизимли ташкил этсин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда ҳар бир ҳудудда очик ва ёпиқ усулда сабзавот маҳсулотлари етиштириш ҳамда уларнинг экспортни ривожлантириш мақсадида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида лойиҳалар сонини қўлпайтириш учун маҳаллаларда тақдиротлар ва семинарлар ўтказилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

15. Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатлариға ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритилсин.

16. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси А.А.Хаитов, иқтисодий тарақиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари С.М.Холхўжаев, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги директори Х.М.Каримов ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ш.М.Ғаниев ва Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 16 декабрь

МУНОСАБАТ

Бошланиши 1-бетда

Ҳусниддин КАРИМОВ,
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги
Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини
ривожлантириш агентлиги директори:

— Аввало, қарор билан қишлоқ хўжалигининг муҳим йўналиши — мева-сабзавот, узум, полиз маҳсулотлари, дуккакли экинлар, доривор ўсимликлар етиштириш билан шуғулланувчиларга катта молиявий имкониятлар яратилмоқда. Хусусан, 2022 йил 1 январдан бошлаб Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тижорат банклари орқали фермер, деҳқон хўжаликлари ва бошқа маҳсулот етиштирувчиларга ҳосил қийматининг 50 фоизигача йиллик 14 фоиз ставкада 6 ойлик имтиёзли давр билан 12 ой муддатга, мева-сабзавотларни

қайта ишловчи, сақловчи ва экспорт қилувчиларга эса йиллик 14 фоиз ставкада 12 ойлик револьвер кредитлар ажратилади.

Мазкур имкониятлар деҳқон ва фермер хўжаликларидан маҳсулот етиштиришга бўлган қизиқишнинг янада ошириб, янги лойиҳалар сари рағбатлантиради. Бу эса халқимиз дастурхонини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдирish баробарида соҳада аҳоли бандлигини оширишга ҳам хизмат қилади. Қарор ижросини таъминлаш борасида мутасаддиларга қатор топшириқлар берилди. Жумладан, агентлигимиз олдиға муҳим вазифалар қўйилди.

Деҳқон хўжаликлари ва бошқа маҳсулот етиштирувчиларга ҳосил қийматининг 50 фоизигача йиллик 14 фоиз ставкада 12 ой муддатга, мева-сабзавотларни қайта ишловчи, сақловчи ва экспорт қилувчиларга эса йиллик 14 фоиз ставкада 12 ойлик револьвер кредитлар ажратилади.

Яъни сабзавот, картошка, гул, полиз экинлари, қўчатлар ва доривор ўсимликлар, дуккакли ва мойли экинлар етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш билан шуғулланувчи, шунингдек, "даладан — растагача" тамойили асосида қўшилган қиймат занжирини яратувчи мева-сабзавотчилик кластерлари (кооперациялар) фаолиятиға кўмаклашиш фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан бўлади.

Биринчи навбатда, маҳсулотларни етиштириб, кейин харидор излаш амалиётидан воз кечиш чоралари қўрилади. Қўлаверса, ҳар бир ҳудуднинг тупроқ иқлими, шароитига мос мева-сабзавот турини танлашда мутахассисларимиз деҳқон ва фермерларга кўмаклашади. Яъни ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан ҳамкорлик ўрнатамиз.

Республикамиздаги аънавий боғлар ўрниға интенсив боғ ва тоқзорлар барпо этилади. Бунинг учун деҳқон ва фермерларга ярқоли ер участкаларини танлаш ва очик танловға чиқаришда ҳам амалий ёрдамлар кўрсатилади.

Бу борадаги ишлар юртимизнинг ҳар бир ҳудудидан олиб борилади. Бунда агентликнинг қарор билан тасдиқланган ва ҳудудларда ташкил этиладиган бўлимлари ҳамда туманлар (Қувасой шаҳри) мева-сабзавотчиликни ривожлантириш бўйича лойиҳа офислари асосий ўрин тутлади. Яъни мева-сабзавотчилик билан шуғулланадиган ҳар қандай инсон мана шу идораларға мурожаат қилиб, маслаҳат ва амалий ёрдамлар олишлари мумкин бўлади. Қарорнинг асл моҳияти ҳам ушбу йўналиш вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборат.

Анвар МУҲАМЕДОВ,
Тошкент вилояти Қибрай
туманидаги
"FRUITS SEASON GROUP"
МЧЖ раҳбари:

— Президентимизнинг мева-сабзавотчилик соҳасида қабул қилинган қарори биз каби қайта ишловчи ва экспорт қилувчи корхоналар учун катта имкониятлар эшигини очди. Хусусан, мева-сабзавотчилик кластерларига кўмаклашиш, уларға талаб этиладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш, яъни айланма маблағлар учун кредитлар ажратиш, зарур бўлган ташқи муҳандислик коммуникациялари — электр энергияси, табиий газ, ичимлик ва оқсоз сув тармоқлари таъминлигини ва қурилиши каби сазй-ҳаракатлар ҳамда мева ва сабзавот маҳсулотларини экспортға йўналтиришда зарур руҳсатнома, сертификатлар, божхона ҳужжатларининг расмийлаштирилишиға амалий ёрдам кўрсатиш сингари имтиёзлар биз учун жуда катта аниқлик.

Биргина сугурталаш борасидаги қўлайликларни олайлик. Қарорда мева-сабзавотчилик кластерлари (кооперациялар) ва фермер хўжаликлариға экспорт шартномаси мавжуд бўлиб, мева-сабзавот ҳосилини хавф-хатардан сугурталаш хизматидан фойдаланганда тўланган сугурта муқофотининг 50 фоизи, бироқ сугурта пулининг 1 фоиздан ортиқ бўлмаган қисми қоплаб берилиши белгиланган. Бу катта имконият. Шу вақтгача бундай тартиб бўлмагани сабабли экспорт шартномаларимиз нисбатан камроқ бўлган. Энди экспорт шартномаси мавжуд кластерларға сугурталашдаги имтиёзларнинг берилиши хориқ давлатларига сотув ҳажмининг янада ошишиға хизмат қилади.



Корхонамиз 2016 йилдан буён фаолият юритиб келади. Тажрибамдан айтишим мумкинки, кластер корхонани ривожлантириш учун энг самарали тизим. Биз агрологистика кластерини ташкил этишни мақсад қилганимиз ва ҳозир унинг биринчи босқичи якунланди. Бугунги кунда корхонамизнинг умумий майдони 72,89 гектарни ташкил этмоқда. 5 гектар майдонда жойлашган йир-кик бинода умумий қуввати соатига 9 тонна мева ва сабзавотларини қайта ишлаш, қадоклаш ҳамда музлатиш, шунингдек, чипс ишлаб чиқариш линиялари ўрнатилиб, 50 киши иш билан таъминланди.

Кластерда 29,45 гектар ер қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экиш учун ажратилган. Ҳозир бу ерда сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштирилиб, қайта ишланади. 21,78 гектар интенсив боғда гилос қўчатлари парвартишланапти. 16,66 гектар ер эса музлатиш мажмуаси ва иссиқхона қурилиши учун ажратилган.

Агрологистика кластеримиз тўлиқ ишга тушгандан сўнг қувватимиз 100 600 тонна-ни ташкил этади. Бу ерда қуришти, субимация, қадоклаш тармоғи, 1000 бошли эчки

фермаси, сутни қайта ишлаш тармоғи, ўқув марказини ишга тушириш ҳам режалаштирилган.

Кўни кеча Испаниянинг "KHESH Investment partners" компанияси билан қиймати 55 миллион долларға тенг лойиҳамизни амалға ошириш бўйича уч томонлама битим имзоладик. Ҳужжатда мева-сабзавот маҳсулотларини қалиблаш, саралаш, қадоклаш ва музлатиш бўйича энг илгор технологиялар билан жихозланган, 13 минг тонна ситимға эга совутиш мажмуаси, сабзавот қўчатлари етиштириш учун 10 гектар майдонда замонавий иссиқхона, мева ва сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш (пюре ва консерва тайёрлаш) мажмуаси яратиш кўзда тутилган. Ушбу мажмуада етиштирилган маҳсулотларнинг 90 фоиздан ортиғи экспортға йўналтирилади.

Юқоридаги қарор бизға ана шу ишларни амалға оширишда имтиёзлар беради. Бир сўз билан айтганда, ушбу қарор барчамиз учун аҳамиятли ва манфаатлидир.

Ирода ТОШМАТОВА
ёзиб олди.

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

Элчи Виталий Фен:

“Ўзбекистон Президентининг Корея Республикасига бошланган давлат ташрифи ўзаро муносабатларимизни янги босқичга олиб чиқади”

Ўзбекистоннинг Корея Республикасидаги Фавқуллодда ва мухтор элчиси Виталий Фен Ўзбекистон — Жанубий Корея ҳамкорлигининг ривожланиш истиқболлари тўғрисида “Дунё” ахборот агентлигига сўзлаб берди.

— Ўзбекистон билан Жанубий Корея географик жиҳатдан бир-биридан узокда бўлса-да, лекин кўнгли яқин, тинчлик ва тараққиёт йўлида мақсадлари муштарак давлатлар саналади. Икки халқнинг санъати, маданияти, миллий менталитети ва меҳнаткашлигида ўхшашлик, бир-бирига яқинлик мавжуд. Сўнгги беш йил давомида Ўзбекистон — Жанубий Корея алоқалари икки давлат раҳбарлари ўртасидаги доимий ва сермахсул мулоқотлар натижасида сифат жиҳатидан янги босқичга чиқди. Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан бери давлат раҳбарлари даражасида 17 марта учрашув бўлиб ўтди.

Эътиборлиси, 2019 йил апрель ойида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар мутлақо янги — алоҳида стратегик шериклик даражасига кўтарилди.

Бугунги кундаги пандемия шароитига қарамай, юқори ва олий даражалардаги мулоқотлар давом эттирилмоқда. Утган йили Ўзбекистон ва Жанубий Корея Президентлари телефон орқали икки марта мулоқот қилди. Давлатимиз раҳбари иккинчи Шимолӣ иқтисодий ҳамкорлик халқаро онлайн форумида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Жорий йил ҳам самарали бошланди. Хусусан, январь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Корея Республикаси Президенти Мун Чже Ин иштирокида олий даражадаги виртуал саммит ўтказилди.

Мулоқот чоғида Президентлар кўп қиррали муносабатларнинг барча йўналишлари бўйича ўзаро фикр алмашиб, саммит якунида “тўртинчи санаот инқилоби” технологияларини илгари суриш мақсадида рақамлаштириш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоладилар.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Президенти Корея Республикаси Президенти тақлифига биноан, Сеул шаҳрида видеоанжуман шаклида бўлиб ўтган “Яшил ўсиш ва глобал мақсадлар учун ҳамкорлик — 2030” (P4G) иккинчи халқаро саммитида иштирок этди. Шавкат Мирзиёев ўз нутқида минтақада иқлим ўзгаришлари таъсирида трансшегаравий дарёлар оқими ва биологик хилма-хиллик қисқараётгани бўйича хавотирда эканини билдириб, “яшил” тикланиш соҳасида мамлакатда кечаётган янгиланишларнинг муҳим йўналишларини қайд этди ҳамда барқарор тараққиётга хизмат қиладиган самарали қарорлар қабул қилиш учун бутун халқро ҳамкамиятининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш зарурлигини таъкидлади.

Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари яқинда Сеулда онлайн шаклда бўлиб ўтган учинчи Шимолӣ иқтисодий ҳамкорлик халқаро форуми иштирокчиларига

ҳам мурожаат йўллади ва бу Корея Республикаси раҳбарияти, ҳукумати ва тadbир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Жанубий Корея Президенти томонидан илгари сурилган “Янги шимолӣ сиёсат”нинг мақсадларини тўлиқ қўллаб-қувватлайди ва мазкур ташаббус доирасида истиқболӣ лойиҳаларни амалга оширишдан манфаатдордир.

Икки давлат ўртасида сиёсий маслаҳатлашувлар ва парламентлараро алоқалар изчил давом эттирилмоқда. Жорий йилда ҳам ўзаро делегациялар алмашинуви фаоллашди. Хусусан, таъки ишлар вазири Абдуллазиз Комилов, бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Нозим Хусанов, Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбарияти бошчилигидаги делегациялар учрашувлари муваффақиятلى ташкиллаштирилди. Уларда икки мамлакат ўртасидаги алоҳида стратегик шериклики янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Давлатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада юксак даражага кўтаришда парламентлараро ҳамкорлиқнинг ҳам ўрни алоҳида. Апрель ойида Корея Республикаси парламенти спикери Пак Бен Сок бошчилигидаги делегациянинг Ўзбекистонга самарали ташрифи амалга оширилди. Делегация таркибида спикердан ташқари Жанубий Корея парламентининг давлат бошқаруви, молиявий сиёсат, sanoat, савдо, энергетика, транспорт, қишлоқ хўжалиги, экология, соғлиқни сақлаш, меҳнат муносабатлари, маданият, спорт ва туризм каби устувор йўналишлар бўйича кўмиталарига аъзо 6 нафар депутат бор эди. Жанубий корейлик меҳмонлар Ўзбекистон раҳбари томонидан қабул қилинди. Ўзбекистон Президенти хорижий давлат парламент делегациясини илк бор бундай кенгайтирилган таркибда қабул қилди. Бу эса, ўз навбатида, давлатимиз раҳбарининг Корея Республикасига алоҳида муносабатини яна бир бор ифодаляди.



Жанубий Корея ва Ўзбекистон ҳуқуқ-тартибот органлари ўртасидаги муносабатлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Жорий йил май ойида Ўзбекистон Президентининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари бўйича маслаҳатчиси ўринбосари Дониёр Қодиров бошчилигидаги делегациянинг Сеулга ташрифи икки давлат ҳуқуқ-тартибот ор-

Бундан ташқари, жорий йил 25-26 ноябрь кунлари Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири Сардор Умурсоқов бошчилигидаги делегация Сеулда бўлиб, икки томонлама музокаралар ўтказди. Ушбу таширф давомида Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Жанубий Корея ҳукуматлараро кўмитасининг 11-йигилиши, Ўзбекистон Республикаси

“Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳамда Корея Республикаси ўртасидаги самарали ҳамкорлик алоҳида стратегик шериклик даражасига чиқди. Чунончи, Ўзбекистон алоҳида стратегик шериклик муносабатларини фақат Жанубий Корея билан ўрнатганини алоҳида қайд этиш ўринли.

ганлари ўртасидаги ҳамкорлик фаоллашишига туртки бўлди

Натижада июнь ойида Корея Миллий полиция агентлиги (КМПА) комиссари Ким Чанг Йонг Ўзбекистонда бўлди. Музокаралар натижасида Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Миллий гвардияси ва КМПА ўртасида англашув меморандуми имзоланди.

Жанубий Корея божхона хизмати комиссари Лим Чже Хён, Корея Республикаси Олий суди раҳбари Ким Мён Су, Сеул шаҳри полиция агентлиги комиссари Чой Гван Хо бошчилигидаги делегацияларнинг Ўзбекистондаги музокаралари ҳам самарали ақунланди.

ва Корея Республикаси Бош вазирлари ўринбосарларининг 4-йигилиши, икки давлат бизнес ва давлат корпорациялари вакиллари иштирокида давра суҳбати ўтказилди.

Сеулдаги ушбу мулоқотлар декабрь ойида Корея Республикасида ўтказилиши режалаштирилган олий даражадаги мулоқотларнинг бошланиши учун катта тайёргарлик бўлди, десам муболага бўлмайд. Чунки томонлар мавжуд лойиҳаларнинг бугунги ҳолатини кўриб чиқиб, sanoat, ахборот-коммуникация технологиялари, иқтисодиётни рақамлаштириш, “яшил” технологиялар, илм-фан ва таълим соҳаларида янги лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишни назарда тутган ҳолда

инвестициявий ҳамкорлиқни кенгайтириш ва Жанубий Кореянинг илғор технологияларини жалб қилиш бўйича саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш долзарблигини таъкидлади. Тез орада икки мамлакатнинг тегишли вазирлик ва идоралари томонидан иқтисодий самарадорлиги ҳар томонлама кўриб чиқиладиган аниқ лойиҳавий тақдирлар илгари сурилди.

Таъкидлашни истардимки, мураккаб глобал иқтисодий вазият шароитида ўзаро товар айирбошлаш ҳажмининг сақланиши таъминланмоқда. Жанубий Кореянинг етакчи компания ва банклари иштирокида умумий қиймати 3 миллиард доллардан ортиқ янги инвестиция лойиҳалари портфели тайёрланди.

Бугунги кунда Жанубий Кореянинг етакчи компаниялари томонидан юртимиз иқтисодиётининг турли соҳаларида юзлаб устувор инвестиция лойиҳалари амалга оширилди.

Ўзбекистонда жанубий корейлик инвесторлар иштирокида ташкил этилган 900 га яқин корхона фаолият юритмоқда. Хориқлик инвесторларга яратилган қулай шарт-шароитлар натижасида Жанубий Кореянинг йирик компаниялари, жумладан, Samsung Group, KIA Motors, LG Corporation, POSCO Group, Hyundai Motor Group, Lotte Group, Korea Telecom, KNOС кабиларнинг юртимизга ишончи ортиб бормоқда.

Бу, ўз навбатида, Жанубий Корея корхоналарининг Ўзбекистон иқтисодиётига тўғридан-тўғри киритаётган сармоялари миқдори ортиб боришига замин яратмоқда.

Айни пайтда Корея Республикасидан юртимиз иқтисодиётига йўналтирилган инвестициялар ҳажми 7 миллиард доллардан ошди.

Бугунги кунда ҳамкорлиқнинг янги йўналиши сифатида Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги ташқи савдо айланмасининг номуаносиблигини тенглаштириш ҳамда экспорт-импорт операциялари номенклатурасини диверсификация қилиш мақсадида икки давлат ўртасида эркин савдо тўғрисида битим имзоланиши бўйича музокаралар олиб бормолмоқда.

Ўзбекистон билан эркин савдо тўғрисида битим имзоланиши тўғрисида Корея Республикаси Президенти жорий йил бошида корей халқига йўллаган Янги йил табриғида ҳам алоҳида тўхталиб ўтган эди.

Шу пайтгача томонлар мазкур битим лойиҳасини кўриб чиқиб, айрим товарларга қўлланиладиган тариф чекловларини соддалаштириш бўйича қатор музокаралар ўтказди.

Бундан ташқари, Жанубий Корея Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишига ҳам яқиндан кўмаклашиб келмоқда. Жумладан, Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиш бўйича ташкил этилган ишчи гуруҳга Корея Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотидида доимий вакили Ли Тэ Хо раислик қилмоқда.

Токиода ўтказилган Олимпиадада Ўзбекистон миллий терма жамоасининг таъзвонда бўйича қўлга киритган олтин медалини давлатларимиз ўртасидаги спорт соҳасидаги яқин ҳамкорлик натижаси деб биламиз.

Ўзаро дўстлик муносабатларини ривожлантиришда мамлакатларимиз халқлари менталитетининг яқинлиги ҳамда Ўзбекистондаги йирик корейс диаспораси муҳим роль ўйнамоқда.

Тошкент шаҳрида очилган Корейс маданияти ва санъати уйи эса, халқларимизнинг мустаҳкам дўстлиги ва мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар юқори босқичга чиққанининг яна бир ёрқин тасдиғидир.

Шу билан бирга, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент давлат шарқшунослик университети ва Самарқанд давлат чет тиллар университетида ҳам корейс тили дарслари олиб бормолмоқда.

Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида хориқий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш мақсадида Жанубий Кореянинг Сежон институти фонди билан музокаралар олиб борилди ва натижада юртимизнинг яна бешта шаҳрида корейс тили марказлари иш бошлади.

Республикамизда Инч, Пучон, Аджу, Ёджу университетлари филиаллари ва Фаргона шаҳрида халқаро университет очилиши давлатларимиз ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорлиқнинг истиқболли эканини кўрсатмоқда.

Худудлараро яқин алоқалар ўрнатиш доирасида Тошкент — Сеул, Фаргона — Инчон, Самарқанд — Кёнжу ва бошқа қатор шаҳарлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик кундан-кунга ривожланиб бормоқда.

Хулоса ўрнида айтганда, ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳамда Корея Республикаси ўртасидаги самарали ҳамкорлик алоҳида стратегик шериклик даражасига чиқди. Чунончи, Ўзбекистон алоҳида стратегик шериклик муносабатларини фақат Жанубий Корея билан ўрнатганини алоҳида қайд этиш ўринли.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Жанубий Кореяга бошланган давлат таширфи икки томонлама муносабатларни янги босқичга олиб чиқади ва мамлакатларимиз халқлари фаровонлиги йўлида ҳамкорлик алоқаларини янада чуқурлаштириш ҳамда кенгайтиришга катта туртки беради.

Таширф чоғида давлат раҳбарлари икки томонлама савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларни янада мустаҳкамлашга қаратилган муҳим қарорларни қабул қилиб, қатор ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

“Дунё” АА

Сеул

ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 14 декабрь куни хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижадорлиги ҳамда келгусидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.



БИРИНЧИ ЙЎНАЛИШ:

- ✓ Хизматлар **158** та қишлоқ туманларининг ихтисослашуvidан келиб чиқиб ривожлантирилади.
- ✓ Янги меҳмонхона, дам олиш масканлари уч йил давомида мол-мулк ва ер солигини **2** баробар паст ставкада тўлайди.
- ✓ Оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида меҳмон уйлариини ташкил этиш ва таъмирлаш учун ҳам имтиёзли кредит ажратилади.
- ✓ Қишлоқларда янгидан ўрнатиладиган алоқа оператори станциялари мол-мулк ва ер солиғидан озод этилади. Базавий станциялардан биргаликда фойдаланиш ҳуқуқи берилади.
- ✓ Йирик туристик объектлари мавжуд **45** та ҳамда **40** та тоғли ва тоғолди туманда “тайёр лойиҳа” асосида туризм хизматлари йўлга қўйилади.
- ✓ Туризм соҳаси учун махсус солиқ режими жорий этилиб, **3** йил давомида айланмадан олинадиган солиқ ва ижтимоий солиқ **1%** ставкада, мол-мулк ва ер солиқлари эса ҳисобланган сўмадан **1%** миқдоридан белгиланади.

Саноати ривожланган **27** та туманда хизмат кўрсатиш объектларига устуворлик берилади.

ПРЕЗИДЕНТ ЙИРИК ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ АТРОФИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ОБЪЕКТЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ БЎЙИЧА ДАСТУР ИШЛАБ ЧИҚИШ ТОПШИРИҒИНИ БЕРДИ.

- ✓ Камида **50** мингта иш ўрни яратиш.
- ✓ **27** та туман учун **200** миллиард сўм ажратилади.
- ✓ Қишлоқ хўжалигида даромад юқори бўлган туманларда умумий хизматлар билан бирга замонавий агрохизматлар ривожлантирилади.
- ✓ Чеғара олдида жойлашган **25** та ҳамда худудидан халқаро автомагистрал ва темир йўллари ўтган **100** та туман савдо ва логистика хизматлари кўрсатишга ихтисослашади.



ИККИНЧИ ЙЎНАЛИШ:

- ✓ Аҳолиси **300** мингдан юқори **6** та туманда замонавий бозор хизматлари ривожлантирилади.
- ✓ **29** та шаҳар ва **6** та йирик туманда хизмат кўрсатиш соҳасида **200** минг иш ўрни яратилади.
- ✓ Шаҳарларда хусусий таълим хизматлари қамровини кенгайтириш.
- ✓ Бир ой муддатда аҳолининг ҳақиқий эҳтиёжини ўрганиб, **100** та қулай ер майдонларини белгилаб, мактаб ва боғча қуриш шарти билан аукцион орқали тадбиркорларга бериш.
- ✓ Шаҳарлар ва йирик туманларда хизматларни кўпайтириш учун таълим, тиббиёт, санъат, туризм, уй-жой ва транспорт имкониятларини ошириш.



УЧИНЧИ ЙЎНАЛИШ

- ✓ Тошкент, Самарқанд ва Наманган шаҳарларида юқори даромадли хизматларни ривожлантириш бўйича алоҳида дастур қабул қилинади.
- ✓ Тошкент шаҳрини таълим, тиббиёт, бизнес ва маданий-кўнгилочар марказга айлантириш бўйича дастур ишлаб чиқилади.
- ✓ Сергели туманида **16** километр узунликдаги ер усти метроси атрофида тунги ёриткич, ўриндиқ, спорт ва бошқа инфраутизма ташкил этиш ҳисобига савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида **5** мингта иш ўрни яратиш.
- ✓ Тошкент, Самарқанд, Бухоро каби йирик шаҳарларда “Такс фри” тизимини жорий этиш, шаҳар ичида “Дюти фри” дўконларини ташкил этиш орқали чакана савдо ҳажминини **2-3** баробарга ошириш.





www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН — ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

ИҚТИСОДИЁТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ — ИСЛОҲОТЛАРНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Шерзод КУДБИЕВнинг “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари бош муҳарририга интервьюси

► Бошланиши 1-бетда

Ўзгаришлар натижаси халқаро рейтинг ва индексларда ҳам ўз аксини топди. Хусусан, “Economic Freedom” — Иқтисодий эркинлик рейтингидagi “Tax Burden — Солиқ юки” индикатори бўйича 2017 йилдаги 90,7 баллик кўрсаткичдан ўтган йили 92,4 баллик кўрсаткичга эришилди.

Яқин йиллардаги ҳолатга назар ташласак, 97 фоиз солиқ тўловчи содда-лаштирилган режимда фаолият юритиб, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотига уларнинг улуши қарийб 60 фоизга етгани ҳолда, бюджет тушумларидаги ҳиссаси бор-йўғи 9,2 фоизга тенг бўлган. Асосий солиқ юки эса умумбелгиланган режимдаги 3 фоиз солиқ тўловчи зиммасига тўғри келар эди.

Ҳаракатлар стратегияси доирасидаги ислохотлар натижасида барчага тенг ва эркин рақобат шароити яратилди. Ортиқча йиғимларни бекор қилиш ва солиқ ставкаларининг нормаллаштирилиши туфайли тадбиркорлик субъектларига солиқ юки камайитирилди. Хусусан, мол-мулк, даромад ва ижтимоий солиқ ставкалари 2 баробар пасайтирилди. Қўшилган қиймат солиғи 20 фоиздан 15 фоизга туширилди.

Энг муҳими, ўзгаришларни ҳар бир фуқаро, ҳар бир тадбиркорлик субъекти ўз фаолиятида ҳис қилаяпти. Буни солиқ мажбуриятларини ўз вақтида ихтиёрий бажарилиш даражаси 80 фоиздан 95 фоизга кўтарилганидан ҳам билиш мумкин.

Қолаверса, солиқ юкининг тенг тақсимланиши ва пасайиши натижасида фойда солиғи тўловчилари 15,2 баравар, сув солиғи тўловчилари 36,5 баравар ва ер солиғи тўловчилари 38 баравар кўпайди.

Йиғилаётган солиқ миқдори ўтган йилнинг охириг чорагидан бошлаб ҳар ойда 10 триллион сўмдан ошмоқда ёки 1 миллиард доллар эквивалентига тенг бўлмоқда. Ўзбекистон солиқ тизимида шу пайтгача бундай натижа кузатилмаган. Буни ислохотларимизнинг аниқ далоли сифатида қайд этиш мумкин.

Бундай натижаларнинг энг муҳим омили бизнеснинг ислохотларга бўлган ишончи ошгани, соҳани рақамлаштириш ва ишга бўлган муносабатни ўзгартиришга эришганимиз бўлди.

— Таъкидлаб ўтганингиздек, сўнгги йилларда мамлакатимизда солиқ тизимини ислох қилишда тенглик, соддалик ва самарадорлик принципларига таяниб келинмоқда. Бугунги кунда юқорида саналган мақсадларга эришишда солиқ маъмуриятчилигини тубдан янгилаш ва тақомиллаштириш қандай ўрин тутайди?

— Ҳар қандай соғлом солиқ тизими классик иқтисодий мактаб етакчиси Адам Смит томонидан илгари сурилган тенглик, аниқлик, қўлайлик ва солиқларга тортишдаги тежамкорлик, шунингдек, самарадорлик ва бюджетга етарлилик каби фундаментал принципларга асосланган бўлиши лозим. Тарихий тақрибга шуни кўрсатадигани, ушбу асосларнинг етишмаслиги солиқ тўловчиларнинг давлат солиқ тизимига бўлган ишончи йўқолишига олиб келади ҳамда солиқ тўлашга бўлган норози кайфиятини юзага келтиради.

Буюк Соҳибқирон бобомиз Амир Темуру ҳам солиқ сиёсатининг асосий йўналишларига (“Темуру тузуқлари”) алоҳида эътибор қаратиб, “Амр эддимки, раиятдан мол-хирож йиғишда уларни оғир аҳволга солиб қўйишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақланиш керак. Негаки, раиятни хонавайрон қилиш (давлат) хазинасининг камбағаллашишига олиб келади”, деган эди.

Ушбу тарихий ҳақиқатларга таянган ҳолда, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан амалга



оширилаётган Ҳаракатлар стратегиясида солиқ маъмуриятчилигини тақомиллаштириш асосий йўналишлардан бири сифатида белгиланди. Шу асосда қатор ҳаётбахш лойиҳалар амалга оширилди ва бу жадал давом эттирилмоқда. Натижада йиллар давомида мамлакат тараққиётига ҳар тарафдан тўғаноқ бўлиб келган мураккаб ва оғир солиқ тизими тубдан янгиланди.

Солиқ маъмуриятчилигининг янги босқичга чиқарилишида 2020 йилда кучга кирган янги таҳрирдаги Кодекс билан солиқ қонунчилигида қуйидаги янгилликлар жорий этилди.

Биринчидан, солиқлар ва йиғимларнинг сони ва турлари, шунингдек, алоҳида солиқ режимлари оптималлаштирилди. Хусусан, солиқларнинг 9 тури, катта бўлмаган корхоналар учун (айланмаси 1 миллиард сўмгача) эса ундан солиқ кўринишидаги алоҳида солиқ режими сақланиб қолинди.

Иккинчидан, солиқ идораларининг ўстувор вазифалари сифатида солиқ тўловчилар билан ҳамкорлик асосида иш юритиш принципи киритилди. Яъни солиқ органлари солиқ тўловчилар билан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини тўғри бажариш мақсадида ҳамкорлик қилиши шартлиги белгилаб қўйилди.

Учинчидан, замонавий ахборот технологияларининг кенг татбиқ этилиши ҳисобига солиқ маъмуриятчилигини, хусусан, қўшилган қиймат солиғини қайтариб бериш тизими тубдан ўзгартирилди. Ушбу ислохотлар самараси ўлароқ, 2016-2021 йилларда ҚҚС тўловчилар сони 20 баробар ошди (6,9 мингтадан 140,7 мингтага етди). Унинг тушумлари 2016 йилдаги 6,9 триллион сўмдан 2020 йилда 20,4 триллион сўмга етди. Бу кўрсаткич 2021 йилда 25,3 триллион сўм бўлиши кутилмоқда.

Бу борадаги энг сўнгги ва муҳим янгиллик Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 22 сентябрдаги “Солиқ тўловчиларни ҳисобга олишни янада тақомиллаштириш ва қўшилган қиймат солиғининг ўрнини қоплаш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан Қўшилган қиймат солиғи тўловчиларини солиқ қўйишда қўшилган қиймат солиғи бўйича махсус рўйхатдан ўтказиш тартиби ҳақидаги низомнинг тасдиқланиши бўлди.

Ушбу низом билан **ҚҚС тўловчиларини солиқ органларидан махсус рўйхатдан ўтказиш** солиқ хавфини баҳолаш асосида амалга ошириш тартиби белгиланди.

Янги тартибга кўра, **жорий йилнинг 23 декабридан** бошлаб ҚҚС бўйича махсус рўйхатдан ўтказишда солиқ тўловчиларнинг **хавф даражаси инсон омили иштирокисиз автоматик дастурлар орқали аниқланади**.

Махсус рўйхатдан ўтказиш бўйича аризалар **7 кун** ичида қўриб чиқилади. Агар ариза шу муддат ичида қўриб чиқилмаса, махсус рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома **автоматик тарзда** берилади. Натижаларга кўра, улар солиқ хавфининг **юқори, ўрта ёки паст** даражалари бўйича тоифаларга ажратилади.

ҚҚСни тўғри ҳисобга олиш ва манфий суммани қайтариш тизимини тақомиллаштириш йўналишидаги ҳаракатлар жадал давом эттириляпти. Хусусан, солиқ тушумларини ошириш учун ҳисобга олинаётган суммаларнинг ҳаққонийлигини текшириш мақсадида ҚҚС занжирини (иштирокчиларнинг ҳар бирида ҚҚС тўлиқ (ёки умуман) тўланмагани) ўзилишларини автоматик аниқлаб, асоссиз ҳисобга олинаётган суммани бартараф этишга қаратилган “Taxgar” электрон дастурини яратиш устида иш олиб борилмоқда.

Мазкур янги мезонлар ва ҳаракатларимиз бозорда қонуний ишлаётган тадбиркорларни ҳимоялаш ва келгусида юзага келиши мумкин бўлган жавобгарлик хавфларининг олдини олишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Тўртинчидан, ортиқча тўлов олишдек хунук тажрибадан бутунлай воз кечилди. Бу каби ҳолатлар қайд этилган тақдирда ортиқча тўлов суммасини қайтариш билан бирга, ҳар бир кечиктирилган кун учун фоиз тўлаш тартиби амалиётга киритилди. Шу йилнинг ўзидан аввалги йиллар давомида йиғилиб келинган 3 триллион сўмдан ортиқ олдиндан тўловлар 40 фоиз қисқарди.

Бешинчидан, солиқ қарзини дебиторлардан ундириш тартибидан ҳам воз кечилди. Бу солиқ тўловчиларга ўз маблағларини мустақил равишда тасарруф этиш имконини беради.

Олтинчидан, солиқларни тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини тақдим этиш ваколати давлат солиқ хизмати органлари ва Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига берилди.

Ўтган қисқа вақтда янги таҳрирдаги Солиқ кодекси нормаларига мувофиқ, 171 та субъектга умумий ҳисобда 688 миллиард сўм миқдоридagi солиқни бўлиб тўлаш имконияти тақдим этилди. Шундан 560 миллиард сўмлик солиқни бўлиб тўлаш имконияти (81 фоиз) давлат солиқ хизмати органлари, 128 миллиард сўми (19 фоиз) Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари томонидан берилган.

“

Ҳаракатлар стратегияси доирасидаги ислохотлар натижасида барчага тенг ва эркин рақобат шароити яратилди. Ортиқча йиғимларни бекор қилиш ва солиқ ставкаларининг нормаллаштирилиши туфайли тадбиркорлик субъектларига солиқ юки камайитирилди. Хусусан, мол-мулк, даромад ва ижтимоий солиқ ставкалари 2 баробар пасайтирилди. Қўшилган қиймат солиғи 20 фоиздан 15 фоизга туширилди.

— Солиқ имтиёзлари ишлаб чиқаришни тараққий эттиришда рағбатлантирувчи муҳим воситадир. Айни даврга келиб Ўзбекистонда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун солиқ ва бошқа имтиёзларни кенгайтириш йўналишидаги сарҳисоблардан қандай хулосалар чиқариш мумкин?

— Бугун Ўзбекистонда тадбиркорлик учун кенг ва тенг рақобат майдонида эркин фаолият юритиш имконияти, жозибador инвестиция муҳити вужудга келмоқда. Мамлакатимизнинг инвестициявий муҳитини янада яхшилаш, адолатли рақобат таъминлашлари жорий этишни таъминлаш ҳамда солиқ ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар бериш амалиётини тартибга солиш мақсадида 45 та қонун ҳужжатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Ўз кучини йўқотган, деб топилган айрим қонун ҳужжатлари орқали бир қатор солиқ ва божхона имтиёзлари амалиётдан чиқарилди. Натижада 84 та турли самарасиз солиқ имтиёзи бекор қилинди. Хорижий сармоядорлар улушида ташкил этилган корхоналар сони 4 йилда 2,6 баравар кўпайди ва 13,2 мингтага етди.

Сўнгги тўрт йилда солиқ имтиёзларидан фойдаланиш натижасида тадбиркорлик субъектлари ихтиёрида қўшимча 119,5 триллион сўм қолдирилди. Иқтисодиётга солиқ юки 2019 йилдаги ялпи ички маҳсулотга нисбатан 25,7 фоиздан 2020 йилда 23,5 фоизга тушишига эришилди.

Бу борада янада яхши натижаларга эришиш мақсадида амалдаги солиқ имтиёзларини ва уларнинг рақобат муҳитига таъсирини инobatга олган ҳолда, солиқ имтиёзлари ҳисобини тизимлаштириш ишлари бошланиб, “**E-Intiyo**” ахборот тизимини амалиётга жорий этиш чоралари қўрилмоқда.

Ушбу ахборот тизимида 3 900 дан зиёд имтиёз рўйхати шакллантирилган. Шунингдек, тизим имтиёзлар суммаси

ва улардан фойдаланган тадбиркорлар ҳақида умумлаштирилган маълумотларни ҳам жамлаб боради.

Тадбиркорларга мавжуд имтиёзлар тўғрисида маълумот бериш учун алоҳида ахборот хизмати яратилади ва унда имтиёзлардан фойдаланиши мумкин бўлган субъект турлари ҳамда имтиёзларнинг IDлари жамланади.

Мазкур тизим имтиёзлардан мақсадли ва тўғри фойдаланишни таъминлайди ва солиқ тўловчиларда солиқ назорати тадбирларини амалга оширишга олиб келадиган хатоларнинг олдини олади.



— Шу ўринда тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш мақсадида улар учун яратилаётган янги имкониятлар хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Энг аввало, аҳолини тадбиркорликка жалб этиш, ишбилармонликнинг ривожини янада қўллаб-қувватлаш ва соҳадаги қонунчилиқни тақомиллаштириш орқали тадбиркорлик субъектларига қатор энгилликлар берилди.

“

Сўнгги тўрт йилда солиқ имтиёзларидан фойдаланиш натижасида тадбиркорлик субъектлари ихтиёрида қўшимча 119,5 триллион сўм қолдирилди. Иқтисодиётга солиқ юки 2019 йилдаги ялпи ички маҳсулотга нисбатан 25,7 фоиздан 2020 йилда 23,5 фоизга тушишига эришилди.

ган ёки қолдиқ товарлар рўйхатини шакллантириш имконини берувчи “E-aktiv” автоматлашган ахборот тизими яратилди.

Бундан ташқари, юридик ва жисмоний шахслар ижара шартномаларини солиқ органларида ҳисобга қўйиш учун кўчас мук ижара шартномаларини масофадан туриб давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиш — “E-Ijara” электрон хизмати яратилиб, “ija.soliq.uz” интернет манзилида тест режимда жойлаштирилди.

— Янги давр унинг тараққиётига ҳамoҳанг қадам ташлашни тақозo этиди. Соҳани рақамлаштириш натижалари солиқ тўловчилар ва солиқ органлари учун қандай имкониятларни тақдим этапти?

— Бугунги кунда ҳар қандай соҳани, жумладан, солиқ тизимини ҳам рақамлаштиришсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада солиқ тизимида қилинган ишлар сифатида электрон-ҳисобварақ фактура жорий этилиши, онлайн назорат-касса машиналари, товарларнинг маркировка қилиниши, қатор электрон хизмат платформалари ишлаб чиқиши каби кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Ахборот технологияларининг жорий этилиши солиқ органларига ҳам, солиқ тўловчиларга ҳам сезиларли қўлайликлар яратилишига олиб келди.

► Давоми 5-бетда



БОҚИЙ МЕРОС

ЮНЕСКОНИНГ
ЮКСАК ЭЪТИРОФИБахшичилик санъатимиз
Инсониятнинг номоддий маданий мероси
репрезентатив рўйхатига киритилди

2021 йил 16 декабрь санаси тарих саҳифаларида муҳрланиб қоладиган бўлди. Зеро, шу кунни халқаро миқёсдаги катта хушхабар ҳар бир ўзбекистонлик қалбини фахр ва сурурга тўлдиради. ЮНЕСКОнинг Номоддий маданий меросни асраш ҳукуматлараро қўмитаси томонидан бахшичилик санъати Инсониятнинг номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига киритилди.

асар яратмоқчимиз. Бу тайёргарликлар, шодликлар бежиз эмас экан. Президентимизнинг катта савий-ҳаракатлари билан бизга шундай юксак эътибор қаратилишини сезган эканмиз. Ижодкор одам жуда таъсирчан бўлади. Гуё икки елкамдан икки қанот ўсиб чиққандек бўлди. Бу биз учун жаҳон саҳналарига жуда кенг ва ёруғ йўлларни очиб берадиган имкониятдир. Бахшичилик санъати чин маънода қалбларни эзгуликка, одамийликка, меҳр-оқибатга қорлайди, — дейди у.

Дарҳақиқат, халқ оғзаки ижодининг

2019 йилда Термиз шаҳрида Халқаро бахшичилик санъати фестивали ташкил этилди. Фестивалда юртимиз бахшилари, соҳа олимлари ва мутахассислари билан бир қаторда қўшни давлатлар ва АҚШ, Болгария, Эрон, Жанубий Корея, Молдова, Россия, Туркия, Франция, Хитойдан таширф буюрган бахшилар ҳамда соҳа тараққиёти йўлида меҳнат қилиб келаётган хорижлик олимлар фаол иштирок этди. Ушбу фестивал ўзбекистон маданияти ва санъатини дунёга танитишда муҳим аҳамият касб этди. Халқаро бахшичилик



бетақор намунаси бўлмиш дostonлар ҳамда бахшичилик санъати халқимизни, қолаверса, ёшларни эзгуликка ва нурафшон кунларга етаклайди. Шу боис, давлатимиз раҳбари ўз маърузаларидан бирида “Агар биз бу ноёб санъатни сақлаб қолиш учун бүгун барчамиз биргаликда ҳаракат қилмасак, эртага, афсуски, кеч бўлади, келгуси авлодлар, тарих бизни кечирмайдиган”, дея қатъий таъкидлаган эди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва тараққий эттириш бора-бора улкан ислохотлар амалга оширилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан соҳага доир 30 дан ортиқ қарор ва фармон қабул қилиниши фикримизнинг ёс-чин далилларидир. Ушбу ҳужжатларга асосан, юртимизда миллий маданиятимиз сарчасмаси бўлган фольклор санъати йўналишида ҳар икки йилда бир халқаро фестиваль ташкил этиш белгилаб берилди.

санъати фестивали мамлакатимиз тарихида ўчмас из қолдирди. Бундай дейишимизнинг боиси, қарийб 10 кун давомида дунё ҳамжамияти Сурхондарё воҳаси ва Термиз шаҳрининг бой маданий мероси, бахши-шоирларимизнинг тарихидан ҳабардор бўлди. Фестиваль доирасида ўтказилган халқаро илмий-амалий конференцияда бахшичилик ва дostonчиликка доир илмий маърузалар тингланди ва суҳбатлар ташкил этилди. Фестивалнинг яна бир муҳим жиҳати, халқаро ижодий алоқалар ўрнатилиб, дўстлик ришталари янада мустаҳкамланди.

— Мазкур фестивалдан сўнг Ўзбекистон Президентининг “Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди, — дейди Аҳорр бахши сўзимизни давом эттириб. — Бу қарорга кўра, бахшичилик санъатини тараққий эттиришнинг ҳуқуқий асослари ва амалга ошириш механизми яратилди. Бугунги кунда мамлакатимизда самарали фаолият юритаётган

250 дан ортиқ соҳа вакилидан 25 нафарга яқини “Ўзбекистон халқ бахшиши” ва “Қорақалпоғистон халқ бахшиши” унвонлари, 1 нафари “Дўстлик” ордени, 11 нафари “Шўхрат” медали, 7 нафари “Нихол” мукофоти, 2 нафари “Келажак бунёдкори” медали билан тақдирлангани фикримизни тасдиқлайди. Кейинги йилларда юртимизда азалдан мавжуд бўлган қадим бахшичилик мактаблари ҳам тикланди. Биз ҳам устоз бахшиларимиз анъаналарини ёшларга ўргатишга астойдил ҳаракат қиламиз.

Жорий йилнинг сентябрь ойида Нукус шаҳрида II Халқаро бахшичилик фестивали бўлиб ўтди. Тадбирда турли давлат ва халқаро ташкилотлардан меҳмонлар иштирок этди. Бу каби халқаро анжуманлар биз бахшиларга олам-олам илҳом бағишлайди. Бугунги кунда Отакул бахши, Акбар бахши ва Суннат бахши каби шоғирдларим Юнус Ражабий номдаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институтида бахшичилик санъати бўйича таҳсил оляпти. Уларга дўмбирани чертганинда шунчаки қуйламаслигин, эл-юртим омон бўлсин, деб чин дилдан ният қилишнинг керак, дея тайинлайман.

Аҳорр бахшининг фахр билан айтган бу сўзларини тинглар эканмиз, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бахшичилик санъати намояндалари ва мухлисларига йўллаган табриғидаги мана бу сўзларни таъкидлагимиз келди: “Бахшичилик санъатини ривожлантириш йўлида эришган натижаларимиз ва уларнинг халқаро эътирофи бизни руҳлантириб, улкан марраларга қорлайди. Биз бу ноёб маданий меросни асраш, ривожлантириш ва оммалаштириш, жумладан, бахшиларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун янги имкониятларни сафарбар этамиз. Бу борада энди бизга ЮНЕСКО бошчилигида халқаро ҳамжамият ҳам мададор бўлади”.

Чиндан ҳам, бу ноёб меросни асраб-авайлашда энди бизга бутун дунёдаги санъатсевар, тинчликсевар дўстларимиз ёрдам беради. Мақола саҳифага тайёрланаётганда Аҳорр бахши бизга қувонч билан маълум қилдики, оламшумул хушхабардан сўнг ўзбек бахшиларига Москвадан ва Япониядан ҳамкорлик бўйича янги тақдирлар тушган.

Ҳа, яхши хабарнинг қаноти бор, деб бежиз айтишмайди. Дўмбирасини созлаётган, эл юрагини ҳамиша юксак орзулар сари қорлаётган бахшиларимизга бу ёруғ кунлар, янги ҳамкорлар, ютуқлар сурури муборак бўлсин!

Мухтасар ТОЖИМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



ЭЪТИРОМ

АЛИШЕР НАВОИЙ
СИЙМОСИ СЕУЛДА

Кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Жанубий Кореяга навбатдаги давлат таширфи арафасида Сеул шаҳрида ўзбек халқининг буюк мутафаккири Алишер Навоий бюстининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Бу эса икки халқ ўртасидаги азалий адабий-маданий алоқаларнинг бардавомлигидан дарак беради.

“Дунё” ахборот агентлигининг хабар қилишича, Жанубий Сочо тумани Seocho-dong 1498-4 кўчаси Сеулнинг гавжум чорраҳаси ҳисобланади. Ўрна-тилган ёдгорлик мажмуаси рўпарасида Корея Республикаси Олий суди ва Олий прокуратураси биноси жойлашган. Бу ерда, шунингдек, кўп қаватли турар жой масканлари қад ростлаб турибди, савдо ва тиббиёт марказлари, кутубхона фаолият юритади.



Сеул шаҳрида Алишер Навоий ёдгорлигини ўрнатиш лойиҳаси Ўзбекистон Президентининг буюк шоир ва мутафаккир таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги қарори ижроси доирасида мумтоз адабиётимиз намояندасининг адабий-илмий меросини халқаро миқёсда кенг тарғиб этиш, Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги маданий-гуманитар алоқаларини янада мустаҳкамлаш мақсидида мамлакатимиз элчионаси томонидан амалга оширилди.

— Ўзбек ва корейс халқларининг дунёқараши ва урф-одатлари ўхшаш, — дейди Республика корейс миллий маданий маркази раиси Виктор Пак. — Бугун Ўзбекистонда яшаётган 180 мингдан

Ўзбекистон билан Жанубий Корея географик жиҳатдан бир-биридан узоқ, лекин кўнгли яқин, тинчлик ва тараққиёт йўлида мақсади муштарак давлатлардир. Тарихдан маълумки, мамлакатларимиз Буюк ипак йўли даврларидан бошлаб ўзаро борди-келди қилган. Самарқанддаги Афросиёб музейида сақланаётган деворий суратларда VII аср ўрталарида Самарқанд ҳукмдорининг қадимги Корея — Чосон элчисини қабул қилиши маросими акс эттирилгани бунга ёрқин мисол бўла олади.

зиед корейс диаспораси кўп миллатли жамиятимизнинг ажралмас қисмига айланган. Корейс маданият марказлари уюшмаси, вилоятларда унинг бўлима-лари фаолият юритмоқда. Сеулда буюк ўзбек шоири Алишер Навоийга ёдгорлик ўрнатилиши халқларимизнинг ўзаро дўстлик алоқалари мустаҳкамланиб бораётганини кўрсатади.

Алишер Навоий ёдгорлигининг расмий очилиш маросимида Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов, Жанубий Корея Демократик партияси бош котиби ўринбосари Ли Жунг Кун, бошқа расмийлар, академик доиралар ва кенг жамоатчилик вакиллари, адабиёт ихлосмандлари, талабалар иштирок этди.

Ёдгорликнинг умумий баландлиги 2,8 метрни ташкил этади. Хусусан, бюст 80 сантиметр, мрамр устун 1,8 метр, таққурси 20 сантиметрдан иборат. Бюст бронзадан ясалган бўлиб, унга тилласифат ранг берилган. Устун ва таққурси Жанубий Америкадан келтирилган оқ мрамрдан ясалган. Мрамр устунга буюк бобокалонимиз исм-шарифи (лотин алифбосида) ва “Ўзбекистоннинг буюк қахрамони, туркий тили адабиёт даҳоси” сўзлари корейс тилида битилган.

Бюст жорий йил 14 июль куни Тошкент шаҳрининг Миробод тумани ҳамда Сеул шаҳрининг Сочо тумани ўртасида имзоланган ҳамкорлик ва дўстлик муносабатларини ўрнатиш бўйича ўзаро англашув баённомаси асосида ўрнатилади. Ёдгорлик лойиҳаси ушбу мамлакатда соҳада етакчи саналган “Malong Company” компанияси томонидан замонавий ҳайкалтарошлик услубларидан фойдаланган ҳолда bajarилди. Жараён билан боғлиқ барча харажатлар Корея — Ўзбекистон бизнес уюшмаси ҳомийлигида қопланди.

Н. МАҲМУДОВ

АДАБИЙ ДЎСТЛИК — АБАДИЙ ДЎСТЛИК

“ЎЗБЕКИСТОН — УЧИНЧИ РЕНЕССАНС САРИ”

ушбу китоб Мисрда араб ва инглиз тилларида тақдим этилди

Қоҳира шаҳрида Миср ёзувчилари уюшмаси аъзоси, ливанлик ижодкор Тағрид Фаёд хоним ва Қашқадарё вилоятидан таширф буюрган бир гуруҳ ёш ижодкорлар иштирокида бадиий кеча бўлиб ўтди.

Ўзбекистоннинг Мисрдаги элчи-хонаси томонидан ташкил этилган тадбир Тағрид Фаёд хоним ва “Inside Kashkadarya” журналі муҳаррири Асрор Аллаёров ҳамкорлиги маҳсули бўлган — ўзбек ижодкорларининг араб ва инглиз тилларида ўтирилган шеърларидан иборат “Ўзбекистон — Учинчи Ренессанс сари” китоби тақдмоти билан бошланди.

Шундан сўнг иштирокчиларга мустақиллик йилларида, хусусан, сўнгги 5 йилда юртимизда турли соҳаларда эришилган ютуқлар, Ўзбекистоннинг очлқ ва дўстона ташқи сиёсати, қўшни давлатлар билан ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланиб бораётгани, иқтисодий-ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга оид амалга оширилаётган бир

қатор йирик қўшма лойиҳалар тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пой-деворини барпо этиш учун баркамол ва етуқ авлодни тарбиялаш йўлидаги муҳит ва шароитларни яратишга катта эътибор қаратилаётгани қайд этилди. Мисрлик ижодкорлар Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган улкан ҳиссаси, юртимиз заминидан етишиб чиққан буюк алломаларнинг хизматлари юксак эъзозланиши ва чўқур ҳурмат билан тилга олинишини алоҳида мамнуният билан таъкидла-дилар.

Тағрид Фаёд ушбу тадбир шуқуҳи ва мазмунига кўра аввалгиларидан тубдан фарқ қилганини, бундан кейин



ҳам ўзбек адиблари асарларини араб тилига таржима қилиш ҳамда адабиёт орқали араб ва ўзбек халқлари ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш йўлида фаолиятини давом эттиришга тайёр эканини билдирди.

— Мен бугунги тадбир юқори даражада ташкиллаштирилгани учун Ўзбекистоннинг Мисрдаги элчионасига ва ўзбекистонлик ижодкорларга самимий миннатдорлик изҳор этаман, — деди у. — Ушбу адабий-маърифий кечада берилган мўъжаз маълумотлар мени

жаҳон адабиёти намуналари қатори-дан ҳақли равишда муносиб ўрин олган мумтоз ўзбек адабиёти дурдоналарини араб тилига таржима қилишга ундамоқ-да. Айни пайтда “Ўзбекистон — Учинчи Ренессанс сари” китобида келтирилган асарларни араб тилига таржима қилиш жараёнида ўзбек халқининг бетақор маданияти, ахлоқ-оқоби ва меҳмондўстлигини ич-ичимдан ҳис қилдим. Шунингдек, ушбу шеърлар орқали Қашқадарё, Хоразм, Андижон вилоятларининг ўзига хос табиати, гузал манзараларига ошно бўлдим. Фурсатдан фойдаланиб, ўзбекистонлик ҳамкасбларим билан биргаликда мумтоз ўзбек адабиёти дурдона-ларини араб тилига таржима қилишга тайёрлигини билдирмоқчиман. Зеро, ушбу ҳамкорлик орқали халқларимиз бир-бирини яқинроқ ўрганадилар, мамлакатларимиз ўртасида дўстлик ришталари янада мустаҳкамланади.

Тадбир давомида ўзбекистонлик адабиёт соҳаси вакиллари ўзларини баҳри байт мусобақасида синаб кўрдилар. Фаол иштирокчиларга мисрлик наққошларнинг ижод намуналари совға сифатида топширилди. Шунингдек, ўзбек халқ мусиқалари ва рақслари ижро этилди, миллий тансиқ таомларимиз тақдим этилди.

— Авваламбор, Ўзбекистондан Мисрга келган ижодкорларни чин дилдан қуттайман, — деди “Kenooz Arabia” газетаси бош муҳаррири, ёзувчи Маҳрус Амир. — Бугун ўзбек халқи маданияти ва бой илмий-маърифий мероси ҳақида атрофлича маълумот берилди. Мени ўзбек адабиёти нақадар юқори чўққиларга эришгани ниҳоятда мамнун этди. Дарҳақиқат, Ўзбекистон бой ва қадимий тарихга эга буюк давлат. У географик жиҳатдан биздан олисда жойлашган бўлса-да, бу каби маърифий-бадиий анжуманлар мамлакатларимиз ўртасидаги маданий алоқалар ривожига муҳим аҳамият касб этади. Иштирокчилар халқларимиз дўстлигини мустаҳкамлашга ҳизмат қиладиган бадиий китоблар таржимасини амалга ошириш тажрибасини бундан кейин ҳам давом эттиришга тайёр эканли-ларини билдирди. Таржима йўнали-шидаги ҳамкорлик маданий-гуманитар соҳаларда мавжуд алоқалар кўламини янада кенгайтиришда муҳим ўрин тути-шини таъкидладилар.

Нодир МАҲМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Бюроғи — 4179
75974 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими А2.** Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Башорат Юнусова
Мусаххих: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй